



## ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ МИЛЛИЙ ОҒЗАКИ МЕРОСИМИЗ

**Имомназарова Шаҳодатхон Хабитовна**

*Ф.ф.б.ф.д. (PhD) катта илмий ходим  
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институтини, Фольклор бўлими*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада миллий оғзаки меросимиз ҳисобланган ўзбек халқ фольклор асарлари ҳақида сўз боради.*

**Калит сўзлар:** *Фольклор, Алпомиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш, достон.*

Ўзининг қадимий ва бой миллий маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг хилма-хил жанрлардан иборат бой фольклор анъаналарини яратишган. Асрлар давомида эзгуликни тараннум этиб келган бу тафаккур дурдоналарида халқимизнинг энг олийжаноб, улуғвор мақсадларга йўналтирилган қарашлари ўз ифодасини топган. Зеро, бадиий салоҳияти ғоят юксак бўлган аждодларимиз поэтик иқтидорини ўзида мужассамлаштирган халқ оғзаки бадиий ижодиёти дурдоналари асрлар давомида битмас-туганмас руҳий қувват манбаи бўлиб хизмат қилган. Зукко бахшиларимиз томонидан қуйлаб келинган “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш” сингари буюк достонларда тараннум этилган бунёдкорлик ва яратувчилик ғоялари ҳамиша халқимизга жуда катта маънавий қувват берувчи қадриятлар тизими бўлиб келган.

Халқимизнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий-эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин қилувчи фольклор асарлари ўнлаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Фольклор асарлари она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган улуғ аждодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат ва маросимлари, қадриабод анъаналарию, ўзбекона самимиятини мукамал акс эттирганлиги учун ҳам қадрлидир. Халқ оғзаки ижодиёти асарлари миллий қадриятларимизнинг энг яшовчан, қадимий, ардоқли ва доимо янгиланиб, ҳар бир авлод бадиий тафаккурининг сарчашмасидан қувват олиб сайқал топиб борадиган навқирон қатлами саналади. Шунинг учун ҳам халқимиз ўз фольклорини ҳамиша кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, такомиллашиб, бадиий жиҳатдан сайқаллантириб келади.

Ижодкор халқимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб, чечан ижрочилар маҳорати туфайли авлодлардан-авлодларга етказиб келинган



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022"

Фольклор асарлари миллий менталитетимизнинг ўзига хос жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо ва нодир маънавий мерос саналади. Асрлар оша олижаноб ғояларни бетакрор бадиий шаклларда ифодалаб келган фольклор асарлари хамиша инсон қалбини эзгулик нури билан нурафшон этишга, кўнгилларни поклашга, одамларни улўғвор мақсадларга йўналтириш вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам фольклор дурдоналари – халқ кўшиқлари, эртақ, афсона, ривоят, дoston ва бошқа жанрларда яратилган халқ оғзаки бадиий ижоди асарлари маънавиятимизнинг теран илдизлари баҳра олган тафаккур сарчашмаси ҳисобланади. Халқ бадиий тафаккурининг кўп асрлик тараққиёти маҳсули ўлароқ вужудга келган фольклор асарлари кишиларда Ватанга муҳаббат, эл-юртга содиқлик туйғуларини тарбиялайдиган, одамларнинг имон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган, миллий ҳурлик ва иркинлик ғояларини ёшлар онгига чуқур сингдирадиган манба ҳамдир. Фольклор асарларини изчил тўплаб, тадқиқ этиш, фольклор санъатини кенг ривожлантириш, халқимизнинг ижодкорлик салоҳиятини узлуксиз такомиллаштириб, энг сара фольклор асарларини халқ орасида оммалаштириш халқимиз дилидаги ботиний куч янада катта қувват бахш этадиган хайрли ишлар сирасига киради.

Жаҳон халқлари цивилизациясига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқи оғзаки бадиий ижодиётининг барча жанрларига оид материалларни миллий истиқлол мафкураси, анъанавий, маданий, адабий ва маънавий кадриятларни қайта тиклаш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш асосида фольклорнинг энг яхши намуналарини чоп этиш асосий вазифаларимиздан биридир.

Мамлакатимиз ўзига хос тараққиёт йўлини давом эттириб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари шиори остида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган ҳозирги даврда ўзбек фольклорини чуқур ўрганиш, унинг бадиий жиҳатдан энг мукамал намуналарини чоп этиш ва кенг оммалаштириш орқали халқимиз поэтик тафаккурининг дунё цивилизациясида тутган муносиб ўрнини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимизда “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилддигининг нашр этилишига муносиб баҳо бериб, «Бугунги кунда Термиз шаҳрида бахшичилик мактаби, республикаimizдаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида фольклор синфлари фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда кўп томлик «Қорақалпоқ фольклори» тўпламлари чоп этилди, 100 томлик «Ўзбек халқ ижоди



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022"

ёдгорликлари» мажмуаси нашр этилмоқда. Бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари давом этмоқда»,<sup>1</sup> деб таъкидлаган эдилар. Бу эса аждодларимизнинг бой номоддий маданий мероси кенг кўламда тадқиқ ва тарғиб этиш борасидаги илмий ишларни ҳам жадаллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки бадий ижодининг жанрлар таркиби ва поэтикасини тадқиқ этишга, айниқса, фольклор асарларининг мукамал нашрларини тайёрлаш мезонларини такомиллаштириш, халқ ижоди асарларининг тарихий асослари ва поэтикасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада фольклор асарларининг мукамал таснифи яратилиб, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва поэтик табиатига доир назарий қарашларни такомиллаштиришга эришилди. Фольклоршуносликнинг бундай устувор назарий концепциялари ўзбек халқ оғзаки ижодининг генезиси, бадий эволюцияси ва мамлакатимизнинг маънавий-маданий тараққиётида тутган ўрнига доир янги хулосалар чиқариш, шунингдек, фольклор асарларини нашрга тайёрлаш борасидаги эдицион тажрибаларни такомиллаштириш имконини беради.

Маълумки, фольклор – буюк халқимизнинг битмас-туганмас ижодий билимини ўзида мужассамлаштирган бебаҳо маънавий бойлигидир. Унда яратувчилик ва бунёдкорлик ғояларини қалб кўрига жо қилиб яшаган халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ўзига хос бадий тафаккури ўз ифодасини топган. Бинобарин, бадий салоҳияти ғоят улкан халқимиз томонидан яратилиб, сайқалланиб келган ана шу маънавий қадрият намуналарини йиғиш, ўрганиш ва оммалаштириш, энг муҳими, халқимизнинг миллий оғзаки меросидан авлодлар тарбиясида фойдаланиш замонимизнинг долзарб муаммоларидан саналиб келмоқда. Зеро, халқимизнинг номоддий маданий мероси қадриятлари, шу жумладан, фольклор асарлари минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги 4320-сонли “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори / Lex.uz.